

Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади



06:05 / 10.09.2018 3754

Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсалар, кишилар очликдан намозда туриб йиқилиб тушишар эди. Ана шу йиқилганлар аҳли суффалар эди. Хаттоки буни кўрган аъробийлар: «Мана шу йиқилганлар жиннилардир», дейишар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозни ўқиб бўлсалар, уларнинг ҳузурларига бориб: «Агар сизлар Аллоҳ таолонинг ҳузурда ўзингиз учун тайёрлаб қўйилган нарсаларни билганингизда эди, бундан ҳам зиёда оч ва муҳтож қолишни яхши кўрган бўлар эдинглар», деб айтардилар.

Имом Термизий ривоят қилиб саҳиҳ ҳадис, дедилар.